



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 январь, № 15 (8910)


Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда стратегик ҳамкор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 январь куни Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Акихико Танака бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ушбу етакчи хорижий молия институти билан амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз етакчиси JICA раҳбарининг бу галги ташрифиди иқтисодий ва молиявий-техник соҳалардаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беришини мамнуният билан қайд этди. Агентликнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда стратегик ҳамкор сифатидаги ўрни қайд этилди.

Бугунги кунда энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишлардаги қўшма лойиҳалар портфели 8 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Утган йили ҳамкорлик бўйича уч йиллик дастур қабул қилинган эди.

Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ва Ёшлар инновация маркази самарали фаолият юритмоқда.

Агентлик орқали 2,5 мингдан ортиқ ўзбекистонлик мутахассислар Японияда ўқиди ва амалиёт ўтади. Ушбу мамлакатдан келган кўнгилчилар Ўзбекистонда муҳим ижтимоий ва гуманитар лойиҳаларни амалга оширишга ҳисса қўшмоқда.

Бундан ташқари, куни кеча Тошкент шаҳрида Республика ихтисослаштирилган неврология ва инсулът илмий-амалий тиббиёт марказини қуриш ва жихозлаш тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Президенти JICAnинг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш борасидаги режаларини қўллаб-қувватлади.

Хусусий сектор лойиҳаларини амалга ошириш, япониялик инвесторлар учун махсус иқтисодий зона ташкил этиш, Япония университетини очиш, шунингдек, профессионал таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди.

«Йўл харитаси» асосида жорий ва истиқболли лойиҳаларни илгари суришнинг янги механизмларини татбиқ этишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва маъмурчиликни таъминлашнинг муҳим омили

Президент Шавкат Мирзиёев 21 январь куни паррандачиликни ривожлантириш ва яйловлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Бу тармоқлар аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги ва арзонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати. Сўнгги йиллардаги шароитлар ва лойиҳалар натижасида маҳсулдорлик изчил ошиб бормоқда.

Бу суръатни давом эттириб жорий йилда 1 миллион тонна парранда ўшти, 10 миллиард 500 миллион дона тухум етиштириш мўлжалланган. Экспортни 2 карра ошириб, 180 миллион долларга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Чорвачиликда 1 минг 350 та лойиҳани ишга тушириб, 3 миллион 200 минг тонна гўшт етиштириш, 13 миллион тоннадан зиёд сут олиб, унинг 30 фоизини саноат усулида қайта ишлаш ҳисоб-китоб қилинган.

Тақдимотда ушбу кўрсаткичларга эришиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Масалан, юртимизда гўшт йўналишидаги парранданинг 1-тартибли генетикасини ташкил қилиш бошланган. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда энди бунди туҳумчилик бўйича ҳам йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Паррандачилик кооперацияси бўйича Андижон, Наманган, Самарқанд ва Хоразмда яхши тажрибалар бор. Бунда ҳам одамлар даромад топяпти, ҳам паррандачилик корхоналарининг иши яхшиланган.

Масалан, Қўшрабат туманидаги «Етти хазина» корхонаси хонадонларга эмланган товук, қафас ва ем тарқатиб, туҳумини ўзи сотиб оляпти.

Бундай лойиҳаларни барча вилоятларда қилиб, маҳсулот ва иш ўринларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бунга 50 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Вақтинча тўхтаб қолган ёки кам қувватда ишлаётган паррандачилик корхона-

наларини молиявий соғломлаштириб, фаолиятини яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Халқ ризқ-рўзининг яна бир катта манбаи — яйловлар. Лекин уларнинг деярли ярмидан фойдаланилма-япти. Негаки, яйлов ўсимликлари уруччилиги ривожланмаган, сув иншоотлари ва қудуқлар етишмайди. Бундай майдонларнинг харитаси ва ижараси рақамлаштирилмаган.

Шу боис яйловларни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимига ўтказиш таклиф этилмоқда. «E-yaylov» электрон харитаси ишлаб чиқилиб, ҳар бир майдон ушбу тизимга киритилади. Унда чорва, экин ёки геологияга мўлжалланган жойлар аниқ намоён бўлади.

Бундай майдонлар энг кўп бўлган 7 та вилоятда яйлов хўжаликлари ташкил қилинади. Улар ўрмон хўжаликлари каби яйловларни асраш ва самарали фойдаланишга масъул бўлади. Яйлов хўжаликларидagi ерлар аукцион орқали чорва боқиш, писта, бодом каби қўнчаларни экиш учун аҳолига 30 йилга ижарага берилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, яйловларни деградациядан қайтариш, қўшимча қудуқлар қазивиш ва яйлов уручилигини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берди.

Бу йил 500 минг гектар яйловда 1 миллион бош қўйини тартибли боқиш бўйича намунавий лойиҳа амалга оширилиши айтилди.

Чорвачилик ва паррандачилик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Янги лойиҳалар ва кооперация ҳисобига аҳоли бандлигини ошириб, камбағилликни қисқартириш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

Олий Мажлис Сенатида

Юқори палата фаолияти билан танишув

Ўзбекистон Экологик партияси «Ёшлар қаноти» фаоллари ҳамда бир гуруҳ талаба-ёшлар Олий Мажлис Сенатида бўлиб Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Сенатор ва ёшлар» учрашувида катнашди.

Унда иштирокчиларга Олий Мажлис Сенати ҳамда унинг ҳузуридаги Ёшлар парламенти фаолияти, қонунчиликдаги янгиликлар, юртимизда ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар ва уларнинг самаралари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, мулоқот давомида «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил»

иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Фаол ёшлар лойиҳа бўйича қатор муҳим ташаббус ва таклифларини билдирди.

Учрашув доирасида талаба-ёшлар Олий Мажлис Сенати биноси билан таништирилди.

СЕНАТОР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматқаримовнинг Наманган вилояти ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Учрашувда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Тадбир иштирокчиларига таълим, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш каби соҳаларда янги имкониятлар яратилгани

ҳақида маълумот берилди. Ёшлар томонидан замонавий технологияларни жорий қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва қишлоқ хўжалигида инновацияларни ривожлантириш каби қизиқарли гоялар илгари сурилди.

Сенатор ёшларнинг креатив гояларини қадрлашни таъкидлаб, уларни ўз орзулари сари дадил қадам ташлашга ундади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2025 йил 23 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тармоғидаги санифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қуйи палата Спикери Н. Исмоилов Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг таклифига биноан 13 — 16 январь кунлари БААга расмий ташрифи ҳақида тўхталиб, унда эришилган натижаларнинг аҳамиятига эътибор қаратди. Ташриф давомида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзолангани, БААнинг етакчи компаниялари билан юқори технологик тармоқларда ҳамкорлик бўйича янги лойиҳалар шакллантирилгани алоҳида қайд этилиб, мазкур алоқалар янги инвестиция лойиҳаларини рўйбга қайдириш, янги корхоналар ва иш ўринларини очишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шу йил 16 январь куни Президентимиз раислигида инвестицияларни кенг жалб қилиш ва экспортни ошириш борасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги асосий вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилгани, инвестиция лойиҳалари ижросини таъминлаш, инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда парламент вакиллари ҳам қатнашиши лозимлиги қайд этилди. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда парламент назоратини амалга оширишда депутатлар корпуси аяда ташаббускор бўлишлари мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституциянинг 28-моддасида жиноят суд ишларини юритиш соҳасида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини

ҳимоя қилишнинг кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган янги конституциявий асослар белгиланган.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда «Судлар тўғрисида»ги Қонунга бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, жиноят содир этганида айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз, деб ҳисобланиши белгиланган.

Бундан ташқари, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор, деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кўзда тутилмоқда. Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган.

2

ТАБИАТНИ АСРАШ — ИНСОННИ АСРАШ ДЕМАҚДИР

Дунёда сув тошқинлари, ўрмон ёнгинлари, иқлим ўзгаришлари, об-ҳаво ифлосланиши кучайиб, табиатга мислсиз зиён-заҳмат етказилаётган бир пайтда одамларнинг юксак экологик маданияти нажот манбаи ўлароқ инсоният ҳаёти, саломатлиги, келажагини асраб қолишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу муаммолар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни бартараф қилиш инсонлардан атроф-муҳитга оқилона муносабатни, табиий ресурслардан одилона фойдаланишни, ўсимлик ва ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббат билан ёндашишни талаб этади.

Мушоҳада

Ақинча, тупроқ, сув ва ҳавони ҳар хил йўллار билан булғаш, дарахтларни кесиш, ён-атрофини чиқиндилар билан тўлдиришда давом этар эканмиз, бунинг тавони ҳам қаттиқ бўлишига шубҳа йўқ.

Шу боис ҳаюнда экологик муаммоларни бартараф қилиш борасида қатор сайёҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан

экологик муаммоларнинг олдини олиш, уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга кўчган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ушбу эзгу ташаббусларнинг дебочаси бўлди, десак, муболага эмас. Лойиҳа доирасида юртимизнинг барча ҳудудида қўнчалар экилиб, боғлар,

хиёбонлар барпо қилиняпти. Йўللар бўйи, турли бинолар атрофи яшил маконга айлантириляпти. Бу эзгу ишларда ёшув кекса бирдек иштирок этаётгани кўнгилни хушнуд қилади. Зеро, донолар айтмишки, ободлик, аввало, кўнгилдан бошланади. Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йилни юртимизда «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили», деб эълон қилиниши айни йўналишдаги ишларни янги босқинга кўтарди.

2

«АҚЛЛИ» ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ВА АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛАР УЙЎНЛИГИ

Бугунги кунда инсоният турли соҳаларга илм-фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий технологиялар ва илмий ишланмаларни кенг жорий этмоқда. Маълумотларнинг катта ҳажмдаги тўплами, уларни алмашишдаги юқори тезлик, сунъий идрокнинг пайдо бўлиши, робототехника, биотехнология ва космик тадқиқотлар каби соҳалардаги янгиликлар нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаётди, балки инсон ҳаётининг сифатини ҳам сезиларли даражада яхшиламоқда. Аммо бу технологияларнинг ахлоқий бўлиши. Шу боис инсон ижодкорлиги маҳсули бўлган бундай технологиялар билан ахлоқ қоидаларини биргаликда ривожлантиришнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Муҳбиримиз бу долзарб йўналишда амалга оширилаётган ишлар бўйича Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири, академик Иброҳим АБДУРАҲМОҶОВНИНГ фикрлари билан қизиқди.

3

ТАБИАТНИ АСРАШ — ИНСОННИ АСРАШ ДЕМАКДИР

Бирок, таассуфки, чор-атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик умумимиллий ҳаракатга айланиб бораётган бир пайтда айрим кимсалар ҳали ҳам эл-юрт тақдирига бепарволикдан, эзгу ташаббусларга лоқайдликдан, маданият-сизиликдан кутула олгани йўқ.

Келинг, сўзимиз умумий бўлмасин, бугунги кунда экологияга зиён етказаятган — ҳаммамиз кўча-кўйда учратадиган, ҳатто ўзимиз ҳам баъзида сабабчисига айланиб қолаётган бир салбий одат ҳақида гапласак.

Кундалик ишу ташвиш, бордикелди ёки кўнглингиз шунчаки сайр истаб кўчага чиқсангиз, шаҳару қишлоқларимиз йўлларига кўрқ бериб турган кичик йўлаклар бўйи, бир-биридан заноавий болғардаги ўриндиқлар ёни, метрою автобус бекатлари ёхуд бошқа одамлар гавжум кўлаб жойларга қулай қилиб жойлаштирилган, кўпам эътибор тортармайдиган чикинди идишларига кўзингиз тушади. Улар қандай вазифани бажариши тушунарли. Албатта, бу идишлар шаҳримиз, маҳалламиз, уйимиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг озодалигини сақлаш учун “сафарбар этилган”. Ахир ота-боболаримиз “Тозалик, покизалик бор жойда ободлик, фаровонлик ва соғлиқ бўлади”, дея бежиз айтишмаган. Аммо орамизда мана шу оддий ҳақиқатни англамайдиган ёки билса-да, амал қилмайдиганлар ҳам учрамоқда. Ўрни айримлар махсус идишларни кўриб туриб ҳам кўлидаги чикиндини йўлак четига улоктиради ёки “ҳеч ким кўрмайди” дея пана жойларга, ариқлар чети, дарахтлар остига секингина ташлаб кетади.

Ҳўш, бундай кимсаларнинг ҳунук одатларига қандай чора кўриш керак? Уларни фақат жаримлар кўлаб, чеклаш самаралими? Бизнингча, бу билан кўзланган нати-

вий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача даражада жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваридан ўттиз бараваригача жарима солинишига олиб келади.

Чикинди муаммосини ҳал этишда уларни қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш жуда муҳим. Лекин бунинг қанчалик унумли йўлга қўйилиши одамларнинг экологик билим ва маданиятига, керак бўлса фаросатига ҳам боғлиқ.

Мисол учун, Японияга саёхатга борган киши мамлакатдаги инсонларнинг табиатга муносабатидан ҳайратга тушиши аниқ. Чунки японлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин саноят чикиндиларидан қаттиқ азият чекишган, аммо бу муаммо узокқа чўзилмади. Бойси улар чикиндиларни қайта ишлашни жадал тараққий эттирди. Аксарият японлар кўчада сув ичган “бақлаш-ка”сию еган музқаймоғининг пакедини ҳам чикинди челагига ташламайди, аксинча, ўзлари билан уйига олиб кетади. Чунки уларни қайта ишлаш заводларига топшириб дарамадга эга бўлиш мумкин. Тан олиш керак, чикиндини қайта ишлаш бўйича ҳеч ким японлар билан тенглаша олмайди. Уларнинг, ҳатто ахлат контейнерлари хилма-хил чикиндиларга мослаштирилган. Масалан, Камикасту шаҳрида чикиндиларни 40 турга ажратиб, қайта ишланиши орқали қиримайдиганларнинг 80 фоизи полигонларга ташланишдан сақлаб қолинмоқда. Бунда ҳар бир шаҳар учун “Gome guides” деган режа мавжуд бўлиб, унда нима, қаерда ва қачон қайта ишланиши ҳақида маълумот берилган.

Бизда эса бу борада аҳвол мактангулик эмас. Биргина 2023 йилда мамлакатимизда белгиланмаган жойга чикинди ташлаганлик, саноят чикиндиларини ташлаб каби ҳолатлар билан боғлиқ 17 миңдан ортиқ ҳуқуқбузарликлар қайд этилгани, ҳуқуқбузарларга 7,6 миллиард сўм миқдорда маъмурий жарималар қўлланилгани кўп нарсани ойдинлаштириб турибди. Бу рақамлар камайиши учун эса ҳар бир

фуқарода шу юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси юксак бўлиши зарур. Лўнда айтганда, ўзимизни ўзимиз ҳурмат қилишимиз, ўзимизни ўзимиз асрашимиз лозим.

Зотан, экологияга нисбатан бешафқат муносабат келажакда катта муаммоларга олиб келиши турган гап. Шу маънода, юртдошларимизнинг чикиндига муносабати ўзгармаса, қийн ўн йилда шаҳару қишлоқларимизда тозалик, пировардида инсонлар саломатлиги билан боғлиқ жиддий масалалар пайдо бўлиши тайин.

Яна бир масала. Экологик маданият кишида болаликдан шакллантирилиши зарур. Болани табиатга меҳр-муҳаббат билан ёндашишга, атроф-муҳитни тоза-озода сақлашга, саранжом-сарип-таллика ўргатиш оиладан, боғчадан, мактабдан бошланиши керак.

Ҳар биримиз экология — ҳаёт-мамот масаласи эканини теран англаб, бошқаларни ҳам шунга даъват етаскинба бу борада ўзгариш бўлади. Аҳвол ўнгланади. Авлодларга кўркам табиатни, сўлим боғу хиёбонларни, озода кўчаларни, файзли шаҳару қишлоқларни, бир сўз билан айтганда, обод Ватанин мерос қолдирамиз. Ўзимиз ҳам мусаффо ҳавога тўйиниб, гўзал манзаралардан баҳра олиб, соғлом, тегиқ бўлиб, яйраб-яшнаб яшаймиз.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур.

Зеро, табиатни асраш — инсонни асраш демакдир.

Рустам КАЛОНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Қайд этилдики, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституциямизнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишига, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қамоққа олинганлар дастлаб мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилади

Мажлисида жиноят ишини юритиш чоғида шахсни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шартсиз, гайрининсоний ёки кадр-кимматни қамситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадига кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Қонунга тегишли қўшимчалар киритиш орқали шахсни тергов ҳибсхонасига жойлаштиришдан олдин уни тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби белгиланмоқда.

Тиббий кўрик давомида шахснинг таънасида жароҳат ва шикастланишлар аниқланган тақдирда зудлик билан прокурорга хабар берилиши тартиби ўрнатиляпти.

Муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қонун ташаббускорига қандай ҳуқуқ берилмоқда?

Ҳар томонлама муқамаллаштирилган қонуларнинг қабул қилиниши аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг жамоатчилик муҳокамалари жараёнида билдирган фикрлари ва позицияларини ўрганиш ҳамда инобатга олиш қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қабул қилишда самарали қарорлар чиқарилиши учун энг муҳим шартдир.

Қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритиш ва кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида ана шу жиҳатларга эътибор қартилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси қонуларига қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда қонун лойиҳасининг ва халқаро шартнома лойиҳасининг ўтказилган ҳуқуқий экспертизаси натижаларини, шунингдек, қонун лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси ва у бўйича ўтказилган жамоатчилик муҳокамаси натижаларини тақдим этиш тўғрисидаги талабнинг белгиланишини назарда тутуви қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига ўзи қиритган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилингунига қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақлиф киритиш орқали уни қақириб олиш ҳуқуқини беришнинг ҳуқуқий асоси белгиланяпти.

Лойиҳа билан қонуларга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказишни, аҳамияти ва долзарблигини йўқотган қонунности ҳужжатлари бекор қилинишини таъминлашга қаратилган қўшимчалар ҳам киритилмоқда.

Бу бўйича маъруза қилган Дилдора Камолованинг қайд этишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятни сифатини ошириш, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ва тадбиркорлик субъектлари вакилларини жамоатчилик муҳокамаларига кенгрок жалб этиш, қонуларнинг ижтимоий муносабатлари тартибга солишдаги ролини мустақамлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Фахрий донор кўкрак нишони билан тақдирланганлар учун имтиёзлар

Мажлисида донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга улар учун қулай бўлган вақтда ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш,

шаҳар транспортининг барча туридан (йўналишли ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш белгиланмоқда. Шунингдек, санаторий-курортларда даволаниш учун йўлланмаларни навбатсиз олиш ҳуқуқини бериш назарда тутиляпти.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан айрим масалалар ўртага ташланди. Хусусан, депутат Наврўзбек Юсупов лойиҳа билан бир қатор рағбатлантириш чоратадбирлари кўзда тутилаётганини қўллаб-қувватлаган ҳолда, имтиёзли транспорт картаси қандай берилиши ва ундан қайси ҳудудларда фойдаланишига оид саволлар билан қонун ташаббускорларига юзланди.

Қонун лойиҳасига масъулар томонидан бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтилди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Миллий гвардия ходими эндиликда фуқарога мурожаат этганида ўзини таништиради

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун



лоийҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Миллий гвардия кўмондонининг ўринбосари Сарвар Мамаюсупов маъруза қилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан “Миллий гвардия тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида Миллий гвардия органларининг вазифалари тизимлаштирилмоқда. Шунингдек, яна бир янги вазифа киритилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда Миллий гвардия ходими хизмат вазифаларини бажариш юзасидан фуқароларга мурожаат этганда ёки унга фуқаро мурожаат этганда ўзини таништириш тартиби белгиланмаган эди. Бу эса, амалиётда айрим эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция талабларидан келиб чиққан ҳолда “Миллий гвардия тўғрисида”ги Қонуннинг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш принципи” деб номланган 6-моддаси Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси (ходими) фуқарога мурожаат этганида ҳамда ўзига фуқаро мурожаат этган тақдирда ўзини таништириши ҳамда фуқарога унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш шартлигига оид норма билан тўлдирилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берилди ҳамда бу бўйича жавоблар эшитилди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Кредиторлар талабларини қаноатлантириш тизими такомиллаштирилмоқда

Мажлисида кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Марказий банк раиси ўринбосари А. Турдалиевнинг қайд этишича, амалиётда қарздор томонидан кредит (ипотека) шартномаси бўйича мажбуриятлар ўз вақтида ва (ёки) лозим даражада бажарилмаганда кредиторнинг (банкнинг) гаров билан таъминланган талабларини қондириш, ундирувни суд тартибиде ва суддан ташқари тартибда гаров мулкига қаратиш, гаровга олувчининг гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда бир қатор муаммолар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳасида мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкка нисбатан кредиторлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни аўкцион

орқали сотиш жараёнларини соддалаштириш, мустақил баҳоловчи ташкилотни жалб қилган ҳолда мол-мулкнинг бошланғич сотув нархини бозор қийматида баҳолаш, шунингдек, гаров билан таъминланган мажбуриятларни суддан ташқари тартибда ундириш амалиётини такомиллаштириш масалалари кўзда тутилган.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сотувчи маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаса, пеня тўлайди

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда олди-сотди муносабатларида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати юзага келмоқда. Хусусан, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига 2024 йил давомида олди-сотди шартномасига мувофиқ сотувчи шартлашилган муддатда маҳсулот етказиб бериш (автомобиль, буюртма берилган озиқ-овқат, маиший

Муҳокама чоғида қонун лойиҳаси бўйича асосли саволлар ўртага ташланди. Жумладан, депутат Мохира Хўжаева лойиҳа билан Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 9-бандига киритилаётган ўзгартиришга кўра ер участкаларини олганлик ва ердан фойдаланганлик учун ҳақ қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланмаганлиги натижасида вужудга келган, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ошган муддати ўтган қарздорлик бу ҳақида вақолатли органлар томонидан огоҳлантириш берилган санадан бошлаб, олти ой ичида бартараф этилмаганда, ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш белгиланаётгани ҳақида тўхталиб, ушбу тўлов миқдори ва муддати қайси ҳуқуқий ҳужжат асосида киритилаётгани билан қизикди.

Қонун ташаббускорлари бу бўйича тушунтириш бериб, ушбу йўналишдаги халқаро амалиётдан ҳам айрим мисолларни келтириб ўтди. Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек, ер участкаларидан фойдаланиш шартларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ўзбекистон яна бир халқаро молиявий ташкилотга аъзо бўлади

Ўзбекистон инфратузилма, энергетика ва саноат соҳаларини ривожлантиришда узоқ муддатли инвестиция манбаларини диверсификация қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтириши мақсад қилинган.

Мажлисида кўриб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё тарқиёт банкни таъсис этиш ҳақидаги битимга қўшилиши тўғрисида”ги қонун лойиҳаси яна бир халқаро молия ташкилотига аъзо бўлиб кириш ва ушбу тузилма имкониятларидан миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириш мақсадида фойдаланишининг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Вазирликка парламент сўрови юборилди

Депутатлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирни Л. Қудратовга “Ўзбекистоннинг жаҳон бозориде рақобатбардошлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш ҳамда экспортни диверсификация қилиш ва глобал савдо алоқаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 188 мамлакат билан савдо алоқалари ўрнатган. Лекин экспортнинг ярами тўртта асосий мамлакат — Россия, Хитой, Қозоғистон ва Туркияга тўғри келмоқда. Энг катта савдо айланимгаси Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия ва Корея Республикаси билан қайд этилган. Экспортда асосий улушга эга бўлган 20 турдаги товарлар ҳам кўп ҳолларда фақат битта бозорга боғлиқ. Унинг учдан бир қисми хомашё маҳсулотларига тўғри келиб, улар нархлари жаҳон бозори конъюктурасига кўра ўзгариб туради. Шу билан бирга, муқобил бозорлар билан алоқаларни кенгайтириш имкониятлари тўлиқ ишга солинмаган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш учун экспортни камида 30 фоизга ошириш лозим. Қолаверса, экспорт ҳажминини ошириш учун турли савдо тизимларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, келгусида Европада талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш зарур. Бу эса Ўзбекистон экспорт йўналишларини диверсификация қилиш ва янги бозорларни ўзлаштириш имкониятини кенгайтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, 2024 йил охирига қадар 1700 та халқаро стандарт ва 19 та регламентни жорий этиш, 1200 та корхона эса халқаро сифат стандартларига ўтказиш, Европанинг 10 мамлакат билан сертификатларни ўзаро тан олиш бўйича келишувларга эришиш юзасидан зарур чоралар кўриш лозим.

Мажлисида юқоридегилардан келиб чиқиб, экспорт йўналишларини диверсификация қилиш, экспорт ҳажминини ошириш, талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асосланган ишларни тушунтиришлар бериш ҳақида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирига парламент сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».

Жорий йилда «Очик бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланадиган лойиҳалар учун 7 трлн. сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган.



ЖАҲОНГАШТА МУАЛЛИМА ИБРАТИ

Иқтидор ва унга монанд изланиш муваффақиятга йўл очади. Бунинг Наманганнинг олис қишлоғидаги оддий оиладан чиққан муаллима Нодира Набиева мисолида ҳам кўриш мумкин.

■ Эртанинг умиди

У Тўрақўрғон туманидаги 37-умумтаълим мактабида инглиз тили фанидан дарс беради. Юртимизда “Инглизча — Ўзбекча сурдо луғат” тайёрлаган умидли ёшлардан бири. Янада эътиборлиси, Германиянинг “Lambert Academic Publishing” нашриётида “Teaching English to deaf students” номли китоби чоп этилиб, саккиз тилга таржима қилинган. Мазкур адабиёт АКШнинг “Gallode” университетининг профессор-ўқитувчилари томонидан юқори баҳолаб, яъни пайтда ёрдамчи ўқув-ўқувчи бўлиши мумкин. Бунинг учун изланувчан муаллимага 5 минг АҚШ доллари гуноҳари сифатида тўлаб берилган.

Биргина бу эмас. Бир

ректори Махфуза Собирова. — Нуфузли танловларда фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келаётган. 2023 йилда МДХ микёсидаги таълим тизими ходимлари танловида “Энг яхши тадқиқотчи” номинацияси бўйича биринчи даражали дипломга сазовор бўлган эди. Утган йил якунида эса Наманган вилояти мактаб ўқитувчиларининг кўрик-танловида “Энг маънавиятли ёш ўқитувчи” сифатида эътироф этилди.

Нодира Набиева ҳозирги кунда ўз устиди кунт билан ишлаб, “Эшитиш қобилиятини йўқотган ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиш методлари” мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда. Мактабдаги фаолияти ҳар жихатдан муносиб баҳоланган ўқитувчи самарали меҳнати учун ойига минг доллардан зиёд эквивалентда маош олаётган.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

АБДУҚОДИР ҲУСАНОВ «МАНЧЕСТЕР СИТИ» ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Жаҳон футболни жамоатчилиги эътибори янги йилнинг бошиданок Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Франциянинг “Ланс” клубида ёрқин мавсумни ўтказган марказий ҳимоячи Абдуқодир Хусановга қаратилди, десак, айтиш ҳақиқат. Чунки бу футболчи сўнгги икки йилда жаҳон даражасидаги ҳимоячилар каби ҳужумкор, айтиш чоғда ёш бўлишига қарамай ақлли, шижоатли ва тезкор хислатлари билан номдор клублар назарига тушди. Унга Англия, Франция ва Испаниянинг бир қатор жамоалари қизиқиш билдириб, “Ланс” жамоасига ёш футболчини сотиб олиш бўйича муносабат қила бошлаганди.

Фахр

Яқунда Англияда кейинги тўрт мавсумда чемпионлиқни қўлга киритиб келётган, жаҳоннинг энг кучли мураббийи Пеп Гвардиола раҳнамолигидаги “Манчестер Сити” жамоаси юртимизнинг иқтидорли футболчиси билан 4,5+1 йиллик шартнома бўйича келишувга эришди. Маълумотларга кўра инглиз клуби вакиллари мазкур трансфер учун “Ланс”га 45 млн. евро тўлайди. Шу тариқа А. Хусанов “Манчестер Сити” ва Англия премьер-лигасида ўйнайдиган илк ўзбекистонлик футболчи бўлди.

Абдуқодир 2004 йилнинг 29 февраль кунини Тошкент шаҳрида футболчи Ҳикмат Хошимов (у Ўзбекистон терма жамоасида 12 та ўйин ўтказган) оиласида туғилган ва болалик чоғиданок “Бунёдкор” академиясида ушбу спорт тури сир-асрорларини ўрганган. Сўнгги Беларуснинг “Энергетик-БГУ” клубига ўтиб, катталар жамоасида дебют қилган. 37 та ўйинда тўрттадан гол ва ассист қайд этган футболчимиз 2023 йилнинг ёз фаслида Франциянинг “Ланс” жамоасига ўтди ва у ерда 31 та ўйинда майдонга тушди.

А. Хусанов 2024 йилда “Golden Boy” мукофотига номзодлар рўйхатига киритилди. Бу соврин 21 ёшгача бўлган энг яхши футболчи берилган. Ушбу мазкур мукофотни Килиан Мбаппе, Педри ва Эрлинг Ҳоланд каби машҳур ўйинчилар қўлга киритган.



Миллий терма жамоамиз шу пайтга қадар жаҳон чемпионатида иштирок этмаган, лекин 2026 йилги мундиалга саралашда яхши натижалар кўрсатмоқда. А. Хусанов Ўзбекистоннинг “U-17”, “U-19”, “U-20” ва “U-23” жамоаларида ўйнаган. Шунингдек, 2024 йилда Парижда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ҳам иштирок этди.

Юртимизда бўлиб ўтган “U-20” Осиё кубогига А. Хусанов Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси билан Сурия, Австралия ва Жанубий Кореяни мағлуб этиб, финалда Ироқни 1:0 ҳисобида етган. Чемпионлиқни қўлга киритган ёшларимиз “U-20” жаҳон чемпионатида иштирок олган.

Ушбу ҳамюртимиз шарофати билан Ўзбекистон Англия премьер-лигасида футболчи бўлишига қўллаб-қувватлаганини айтиш мумкин. Абдуқодир Хусанов “Манчестер Сити”да 45-рақамли либосда тўп суради. Унга келгуси фаолиятида омад тилаб қоламиз.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи»).

Ёлғон кўнғироқлардан «бемор» бўлаётган тез тиббий ёрдам

Айни пайтда Фарғона вилоятида 4 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Утган йил мобайнида бу ҳудуддан Тез тиббий ёрдам хизматидаги 1 миллион 200 мингдан кўпроқ қақирувлар бўлган. Гапнинг очиги, талаб ва эҳтиёж катталиги сабабли соҳа ходимлари ҳамиша тизим иш режимида ишлайди. Оддий айтганда, қўли-қўлига тегмайди. Аммо, шунга қарамай баъзи ҳолларда “103” хизмати шифокорларининг қақирилган манзилга кечикиб бориши ҳам учрайди. Ҳўш, нега шундай бўлади?

Аччиқ, аммо очик гаплар

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона вилояти филиали автопаркда 70 та “Volkswagen Caddy”, 31 та “Hyundai”, 11 та “Nissan”, 3 та “Toyota”, 192 та “Damas” автомашиналари бор. Бу транспортлар вилоятдаги 307 та тиббий бригадаларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Демак, аста-секин тез тиббий ёрдам хизматида фойдаланиш нисбатан ноқулай бўлган “Дамас” русумли автомобиллардан бутунлай воз кечилади. Бундай автомашиналар яқин вақт ичида захирага олинади ва фавқулодда ҳолатлардагина хизматга жалб этилиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш сифати ва кўлами яхшиланиб бораётгани натижасида ҳозирги кунда вилоятда тез тиббий ёрдамнинг манзилга кечикиши 10 — 12 фоиздан 1-2 фоизгача камайди. Яқин йилларгача қақирларга етиб бориш вақти ўртача 25 — 30 дақиқа бўлган бўлса, бугунги кунда атиги 8 — 12 дақиқани ташкил этаётган.

— Баъзан ҳамюртларимиз томонидан “Шунча автомашина берилса-да, қўлай ва тезкор хизмат ҳамиша ҳам сезилмаётган” деган эътирозни эшитиб қоламиз, —



дейди Республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона филиали раҳбари ўринбосари Азаматжон Абдурахмонов. — Ҳақиқатан ҳам, нега шундай? Тўғри, охириги йилларда тизимга кўплаб ихтисослаштирилган, замонавий автомашиналар берилди. Фақат унутмаслик керакки, улар, асосан, эскирган, носоз автомашиналарга алмаштирилди. Тиббий гуруҳлар сони ўзгаришсиз қолди. Амалдаги белгиланган меъёрларга кўра маълум бир ҳудуд аҳолиси сонига қараб, яъни ҳар 13 минг аҳолига битта тиббий бригада шакллантирилади. Янги тиббий бригадалар эса йил якунида янгилашган статистикадаги аҳоли сонига қараб ташкил этилади.

Шуни унутмаслик керакки, “Тез тиббий ёрдам машинаси келаятми?” деган ҳар бир қўнғироқ шундай хизматга эҳтиёж сезаётган бошқа ҳамюртларимизнинг кутишига, тез тиббий ёрдам кечи-

кишига сабаб бўлиши мумкин. Шу ўринда соҳа билан боғлиқ яна бир муҳим масала — энди кўнғироқлар “103” қисқа рақами орқали қабул қилинмоқда. Эндиликда биргина “103” рақами-ни териб орқали бир зумда тез тиббий ёрдам операторига улашиш имконияти мавжуд. У эса бемор ҳақидаги маълумот ва манзилни олган заҳоти тез тиббий ёрдам бригадаларини тақсимловчи вақтга узатади.

Тақсимловчи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли бўйруғи асосида маълумотларни 5 хил тоифага ажратиб (бинафша ранг — ҳаётга таҳдид соладиган касаллик ёки жароҳат, қизил ранг — шошилинч, сариқ ранг — тезкор, яшил ранг — тезкорлиги пастроқ ва кўк ранг — тезкор бўлмаган касалликлар) тегишлилиги бўйича (бўш бўлган ва энг яқин) тез тиббий ёрдам бригадаларга узатади. Тиббий бригадалар ушбу хабарни қабул қилган пайтдаёқ зудлик билан йўлга тушади.

Энди тасаввур қилинг: соат 20:00 дан 23:00 га қадар бир

ҳудудда тахминан 30 нафар оператор ишлаша, куннинг ўша вақтида бирданги 40 нафар ҳамюртимиз кўнғироқ қилса, 10 нафари кутиш режимида туришга мажбур бўлади. Ўтказилган таҳлилларга қараганда, ўша 40 нафар инсоннинг ўртача 20 нафари қайта кўнғироқ қилиб, “Менинг 10 дақиқа олдин берган қақирувим нима бўлди? Тез ёрдам машинаси келаятми?” дея қайта кўнғироқ қилади (баъзида фуқаролардан ҳеч қандай сабабсиз ҳақорат, дўқ-пўписалар ҳам бўлади). Оператор унинг муносабатига аниқлик киритиб бергунча яна қанча илк маротаба кўнғироқ қилаётганлар кутиш режимида туришга мажбур бўлмоқда.

— Тан олиш керак, ўтган йили қақирувларнинг 3 мингдан кўпроғига ходимларимиз томонидан кечикиб бориш ҳолатлари кузатилади, — дейди Call-марказ масъул ходими Дилором Шаропова. — Бунга ёлғон қақирувлар ва ҳамюртларимиз томонидан “103” рақамига ҳар хил арзимаган сабаблар билан ҳам кўнғироқ қилиши сабаб бўлган. Масалан, ўтган йили марказимизга 250 га яқин ёлғон қақирувлар келиб тушди. Тез тиббий ёрдам ходимлари манзилга етиб борганда қақирувларни рад этиш ҳолатлари ҳам учраган. Биргина 2024 йили вилоятда 7 мингга яқин ана шундай ҳолатлар кузатилди.

Тез тиббий ёрдам бригадаси манзилга ўз вақтида етиб боролмаганига ёлғон қақирувлар ва шошилинч бўлмаган ҳолатлардаги муносабатлар сабаб бўлса, йўлларда айрим ҳайдовчиларнинг тез тиббий ёрдам машинасига йўл бермаслиги беморнинг ҳолатини янада оғирлаштиради.

— Қарийб 20 йилдан буён марказда ҳайдовчилик қиламан, —

дейди Азизбек Каримов. — Кўп ҳолларда оғир бемор олиб кетаётганимизда ҳайдовчилар тез тиббий ёрдам машинасига йўл бермаслиги рости. Маҳалалардаги йўлларга ўзбошимчалик билан сунъий тўсиқлар, темир ва бетонлар ўрнатилиши, қолаверса, тор йўлакларга автомашиналар қўйиб кетилиши ҳам катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Натижада қақирқ манзилларига вақтида етиб бораётганимиз ёки беморни тиббиёт масканига шошилинч тарзда етказишда асаббузарликлар бўлади.

Мисол учун, яқинда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида оғир жароҳат олган беморни шошилинч тарзда шифохонага олиб кетаётган, тирбанд йўлда ҳайдовчилар йўл бермагани боис шифокорлар ҳузурига кечикди. Оқибатда бемор кўп қон йўқотиб вафот этди...

Афсуски, ўтган йили 250 га яқин ёлғон қақирқларнинг энг кўпи, яъни 90 таси Фарғона шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринни Қўқон шаҳри эгаллади — 69 та ёлғон қақирқ. Шунингдек, ўтган йил давомида Қувасой шаҳридан 13 та, Беширик туманидан 10 та, Олтиариқ туманидан 10 та ҳамда Ёзёвон туманидан 7 та ёлғон қақирқ келиб тушган.

Бу борада соҳа масъулларининг қўнғироқ билан таъкидлашча, қўнғироқ билан бундай ҳолатлар учун жиддий жазо чораси кўзда тутилмаган. Бунинг натижасида айрим фуқаролар ёлғон қақирқни қўнғирқилушлик ишига айлантириб олган. Баъзиларнинг бундай туғриқис ҳақиқат-ҳақиқатининг бадалини айбисиз айбдорлар тўлашига тўғри келаятгани эса ачинарлидир. Буниси энди алоҳида мавзу...

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

«PISA 2025» тадқиқотида иштирок этувчи мактаблар аниқ

“PISA 2025” тадқиқотида қатнашиш учун халқаро тақлилотлар томонидан юртимиздаги 233 та мактаб тасодифийлик тамойили асосида танлаб олинди. Ва ушбу мактаблардаги 9 минг 50 нафар 15 ёшли ўқувчи тадқиқотда қатнашиши назарда тутилган.



Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигидан хабар беришларича, жорий йилдаги тадқиқотда дунёнинг 91 та мамлакати қаторида Ўзбекистон мактабларининг муносиб иштирокини таъминлаш бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан шерикликда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқот жараёнида шу йилнинг апрель ва май ойларида ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, синовлар компьютер ёрдамида онлайн тарзда ташкил этилади.

Суғурталовчилар рейтингини юритилади

Адлия вазирлиги томонидан Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом давлат рўйхатидан ўтказилди.



Мазкур низом билан суғурталовчи ёки қайта суғурталовчиларнинг суғурта хизматлари кўрсатилиши сифати бўйича рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби белгиланди.

Унга кўра суғурталовчилар рейтингини Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида шакллантирилади. Расмий веб-сайтида ҳар ойнинг 10-санасида янгилашган ҳолда эълон қилиб борилади.

Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш учун уларнинг фаолияти тегишли кўрсаткичлар бўйича баҳоланади. Яъни умумий суғурта даъволари сонига нисбатан ўз вақтида кўриб чиқилган суғурта даъволари сони, суғурта товони (тўлови)ни тўлаш тан олинган суғурта даъволари умумий сонига нисбатан ўз вақтида тўланган суғурта товонлари (тўловлари) сони баҳоланади.

Тарихий асар — энди ўзбек тилида

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётлигида ёзилган китоблар кўп эмас. Темурийлар тарихи Давлат музейи маълумотига кўра улар иккита: биринчиси — “Ғиёсиддин Али Яздий қаламига мансуб “Ҳиндистон юриши кундалиги”, иккинчиси — Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари.



Лекин биринчиси қараганда иккинчиси ўқувчига аввалроқ ва кенроқ маълум бўлган. Ғиёсиддин Али Яздийнинг “Ҳиндистон юриши кундалиги” асарининг асл матни 1915 йили Санкт-Петербург шаҳрида Л. Зимин томонидан тайёрланган ва у академик В. Бартольд тахрири остида чоп этилган. 1958 йили профессор А. Семеновнинг русча таржимаси Москвада нашр қилинган. Эндиликда китобхонлар ушбу китобни ўзбек тилида мутлоа қилиши мумкин. Китоб Халқаро Амир Темур жамоат фонди томонидан нашр этилди.

«Халқ сўзи».

Муҳандислик йўналишлари бўйича «Энг яхши гоё», «Энг яхши лойиҳа» ва «Энг яхши ихтиро» республика кўрик-танловлари ўтказилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини қўлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-6788

47720330 478004

Тахриратта келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳас — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.13 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6